# ОЛАМ ПАРЕМИОЛОГИК МАНЗАРАСИДА МИФОЛОГИК КОНЦЕПТОСФЕРА БИРЛИКЛАРИНИНГ ВОҚЕЛАНИШИ

**Кдырбаева Г.К.**
*Нукус давлат педагогика институти, ижтимоий-гуманитар фанларни масофадан ўқитиш кафедраси,.DSc., доцент*
kdirbaevagulzira@gmail.com

DOI: https://doi.org/10.5281/zenodo.15078976

**Таянч сўзлар:** миф, мифологик, мифологик концептосфера, олам мифологик манзара, когнитив-дискурсив ёндашув, когнитив тилшунослик

**Key words:** myth, mythology, mythological conceptual sphere, mythological worldview, cognitive-discursive approach, cognitive linguistics

**Ключевые слова:** миф, мифология, мифологическая концептосфера, мифологическая картина мира, когнитивно-дискурсивный подход, когнитивная лингвистика

Паремиологик бирликларнинг таркибий-семантик тавсифини ва мифологик дискурсда концептосфера бирликларин воқелантирувчиларини ўрганиш қизиқарли ва самарали тадқиқот ҳисобланади. Жумладан, мақоллар таркибидаги ракамларнинг ҳозирги кундаги мавжуд жиҳатларига қўшимча элементлар билан тўлдириш имкониятини пайдо қилади, чунки бу, биринчи навбатда, таққосланадиган бирликларнинг семантикасини, қисман тузилиши ва дискурсдаги гавдаланиш хусусиятларин аниқлаштиришга имкон беради [1,3].

Мазкур ишимизда, паремиологик бирликлар тил ва маданиятнинг воқелантирувчиси бўлиб, мифологик концептосфера бирликларининг паремиологик бирлик компонентларида воқеланишини тадқиқ қиламиз ва уларнинг ўзига хосликлари ишнинг асосий мақсадини мужассамлаштиради. Мақола учун танлаб олинган инглиз тилидаги мақоллар инглиз тили паремиологик фонди асосида яратилган веб-сайт материалларидан фойдаланилди [7], қорақалпоқ тилидаги мақоллар «Қорақалпоқ фолклори»нинг мақол ва маталларга бағишланган I жилдидаги паремиологик бирликлар қаторидан танлаб олинди. Мақол ва маталлардаги таянч компонентлари наздида асосан инсон интеллекти мавзуйи гуруҳи мисолида таҳлил қилинди.

**Инсон интеллекти:** мақолларни когнитив-дискурсив ёндашув наздида таҳлил қилиш қорақалпоқ ва инглиз ҳалқининг интеллект, ақл, доноликка муносабатини аниқлашга ёрдам беради. Қорақалпоқ тилида интеллект концептин воқелантиручи паремиологик бирликлар сони инглиз тилидаги мақоллардан бир мунча кўп миқдорни ташкил қилиниши аниқланди. Бу ҳолат

қорақалпоқ олам лисоний ва миллий манзарасида “бой инсон” сифатида идрок қилинишидан дарак беради: ***ққ***. *Оқыған озады, Оқымаған тозады; Асық ойнаған азар, Топ ойнаған тозар, Ҳәммесинен көп оқып, Билим алған озар; Ақыл көпке жеткизер. Өнер көкке жеткизер; Сөздиң көрки – мақал. Ақылдан артық байлық жоқ; Ақылсыздың тили бай, Ақыллының қолы бай;* ***инг.***: *A great ship asks deep waters; A wise man changes his mind, a fool never will; Brevity is the soul of wit; If things were to be done twice all would be wise; Reason does not come before years; Knowledge in youth is wisdom in age; Have an old head on young shoulders; Who knows most, speaks least; Out of the mouths of babes.*

Жумладан, инсон интеллектига оид мақоллларда инсон ақли бойлик билан узвий боғлиқлиги қорақалпоқ паремиологик фонди мисолларида кўп учрайди, зеро инглиз тилида мазкур ҳолат кўзга ташланмади. Мақоллар тузилишининг энг муҳим ва доимий тамойиллардан бири бу зиддиятли ўхшатишдир, яъни *ақллилик* ҳақида фикр юритиладиган бўлса, унинг қарама-қарши хусусияти – *аҳмоқлик, тентаклик, ақлсизлик* ҳақида ҳам албатта эслатилади. Таҳлилга тортилган нақл-мақоллар интеллект концептин имплицит маънода гавдалантиради, мазкур паремиологик бирликларнинг таркибий қисмида мифологик концептосфера бирликлари иштирок этади: (инг.) *ship, waters, soul, years, youth, age, an old head, shoulders, mouth, (ққ.) билим, сөз, көк (аспан), өнер, байлық.*

*Кема* мифологияда мавҳумликни гавдалантирувчи идентификатор ҳисобланади, кема билан боғлиқ Тесей кемаси, Крейсер Аврора, Нагльфар ҳақида мифлар мавжуд бўлиб уларнинг ҳаммасида “мавҳумлик” воқеланган. Сув қадим замонлардан одамлар учун табиятнинг энг ғайритабий элементлардан бири бўлиб келган. Сув сеҳрли манбадан пайдо бўлган деб ҳисобланган. Сув мифологик концептосфера бирлиги сифатида *“сеҳр”, “куч”, “макр”* каби концептларни воқелантиради. Сув ҳақидаги япон мифида Дзингу императрицаси Рюдзиндан Кореяни босиб олиш учун ёрдам сўрайди. Аждаҳо хабарчиси унга икки марваридни олиб келди: тошқин ва сувнинг қайтиши. Дзингу Япония флотининг Кореяга олиб боради, денгизда уларга Корея ҳарбий кемалари қарши чиқади. Дзингу сувга тош отди ва корейс кемалари қуруқликка чиқиб қолади. Кореялик жангчилар пиёда ҳужум қилиш учун кемаларидан сакраб тушаётганларида, Дзингу денгиз тубига тош отди. Сув орқага югурди ва душманларни сув тубига ғарқ қилди. Мазкур миф рус тилидаги “*Большим кораблям большое плавание*” мақоли тўлиқ воқелантиради.

Таъкидлаганимиздек қорақалпоқ олам паремиологик манзарасида концепт воқелантирувчи *"ақыл"* компоненти иштирок эткан мақоллар сони 83тани ташкил қилади, жумладан мазкур концептнинг *"билимли", "дана", "саналы", "если", "баслы", "парасатлы"* каби бошқа компонентлари ҳам мавжуд, зеро биз айнан "ақыл" вербализаторин таҳлил қиламиз: *Өгизди өрге салма, Канатың сынар, Аҳмаққа* ***ақыл*** *айтпа, Сағың сынар;* ***Ақыллының*** *белгиси, Алтыннан келер сөзлери. Ақылсыздың белгисин, Айтып турар көзлери; Басында* ***ақылы*** *жоктың, Еки аяғыңда тынымы жок;* ***Ақылға*** *— ишарат, Аҳмаққа — касапат; Қанша әстен журсе де, Тасбақа жолды өндирер.* ***Ақыл*** *менен айтылган сөз, Биймазаны көндирер; Ашыў-душпан,* ***ақыл****-дос,* ***Ақылыңа ақыл*** *қос;* ***Ақыллыда*** *ашыў болмас;* ***Ақыл****-жастан шығады, Хасыл-тастан шығады, Жүйрик тай ғүнаннан шығады;* ***Ақыллының*** *сөзи қысқа, Айтағойса болар нусқа;* ***Ақылсыздың*** *тили бай,* ***Ақыллының*** *қолы бай;* ***Ақылсыз*** *достан,* ***Ақыллы*** *душпан артық;*

Мазкур гуруҳдаги мақолларда инсоннинг интеллектуал хусусиятлари инглиз тилида "wise, wit, wisdom, head, knowledge" каби вербализаторлар воситасида, қорақалпоқ тилида эса "*ақыл","билим", "дана", "сана", "если", "баслы", "парасатлы"* каби компонентлар жадал гавдаланиши аниқланди. Ушбу гуруҳнинг семантик майдонига кирувчи мақоллар сони инглиз тилидаги мисолларга қараганда қорақалпоқ тилида кўпчиликни ташкил килади. Таҳлил қилинаётган семантик гуруҳ компонентларида антонимик жуфтликлар кўп келтирилган: *A* ***wise*** *man changes his mind, a* ***fool*** *never will; Who knows* ***most****, speaks* ***least****;* ***Ақыллының белгиси****, Алтыннан келер сөзлери.* ***Ақылсыздың белгисин****, Айтып турар көзлери;* ***Ақылға*** *— ишарат,* ***Аҳмаққа*** *— касапат; Ашыў-****душпан****, ақыл-****дос****, Ақылыңа ақыл қос;* ***Ақыллы жигит*** *ел қорғайды,* ***Ақмақ жигит*** *елди хорлайды;* ***Жақсы болса қатының****, Келип турар жақының.* ***Жаман болса қатының****, Басыңнан кетер ақылың;*

Бунда ҳар иккала тилдаги паремиологик заҳирада антонимик компонентлар олам мифологик манзарасидаги қарама-қаршилик, оппозицион ҳодисаларни воқелантирувчи мифологик релик сифатида паремиологик бирликлар семантикасида гавдаланганлиги аниқ. Шу каби ҳодисалар инглиз тилига қиёслаганда қорақалпоқ тилида кўп учрашин алоҳида таъкидлашимиз керак.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, «миллий - маданий белгилар баҳоловчи ахборот орқали воқеланади. Маданий белгилар нафақат мазмуний планда, балки лисоний нуқтай назардан ҳам образли кўриниш олиши мумкин.

Паремияларнинг бу хусусияти воқеликни кенг миқёсда тасвирлашга йўл қўймасдан, иложи борича қисқа ва образли ифодалашда гавдаланади [2:968].

Мифологик концептосфера бирликлари олам паремиологик манзараси ботинан ва зоҳиран гавдалантирувчи паремиялар одамнинг умумий «паремиологик портрети» ин ҳосил қилади ва мифологик онг реликтларин когнитив-дискурсив ёндашув ёрдамида идрок қилишга мумкин яратади. Шу билан бирга, қадимги одам ҳайвонлар дунёсини инсонга ўхшатиб, тимсол қилган. Ҳайвонлар ҳақидаги энг оддий мифлар ҳайвонларнинг индивидуал белгиларини сақлаб қолган ва одамларга тушунтиради. Атроф-муҳитни инсон томонидан талқин қилиш унда содир бўлаётган ҳодиса ва ҳолатларни тушунтириш орқали содир бўлганлиги сабабли, бу мифларнинг асосий хусусияти этиологизмдир. Кейинги даврдаги ҳайвонлар ва қушлар ҳақидаги мифлар тотемик характерга эга.

Шундай қилиб, таҳлил асосан икки ёндашув воситасида амалга оширилади: 1) маданий қадриятлар мифологик концептосфералар доирасида таҳлил қилиш, 2) олам паремиологик манзарасида мифологик концептосфера бирликларин воқелантирувчи бирликларни когнитив-дискурсив ёндашув асосида таҳлил қилиш. Паремиолик бирликлар ифодалайдиган маънолар таҳлилида халқнинг этномаданиятига мансуб ўзига хос хусусиятлар алоҳида эътиборга олинди. Ҳар бир паремия компонентидаги мифологик концептосфера бирликлари архетипик маъноларин сақлаб қолган ҳолда воқелантирилади. Зеро тил соҳиблари онгида паремилогик бирликларнинг ҳамма бирликлари ҳар доим ҳам мифологик концептосфера бирликларин ва муайян мифларни ҳам воқелантирмаслиги мумкинлиги аниқланди.

**Литература**

1. Байбурина А.К. Мифологема//Народные знания. Фольклор. Народное искусство. М.: 1991. С.78.
2. Kdırbaeva G. NUMERATIV BIRLIKLAR LINGVOMADANIY XUSUSIYATLARI //QUALITY OF TEACHER EDUCATION UNDER MODERN CHALLENGES. – 2023. – Т. 1. – №. 1. – С. 967-969.
3. Топорков А.Л. Мифологема//Восточнославянский фольклор: Словарь науной и народной терминологии. Минск, 1993. С. 154.
4. Шафранская Э.Ф. Устное народное творчество: учеб.пособие. М.: Академия, 2008.
5. Юнг К.Г. Архетип и символ. — М.: Канон, 1991. — 330 с.
6. https://www.textologia.ru/slovari/literaturovedcheskie-terminy/mifologema/?q=458&n=348
7. https://hallofpeople.com/en/proverbs/a1.php